

O'zingni angla!



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2021-yil
20-iyul
seshanba
№ 30 (1246)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiga boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ @gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ f Hurriyat gazetasi

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадрли юртдошлар!

Қалбларимиз файзу илохий шукухга тўлиб турган ушбу улуг кунда юртимиздаги барча мўмин-мусулмонларни, бутун халқимизни тинчлик, шукроналик, меҳр-оқибат ва саҳоват раҳми бўлган муборак Қурбон ҳайити билан чин қалбимдан табриклаб, ўзимнинг чуқур хурматим ва эзгу тилакларимни билдиришдан тоғтар мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу табаррук айёмни байрам килаётган ер юзида барча мусулмон умматига, хорижик дўстларимиз ва ҳамкорларимизга халқимиз номидан самимий салом ва табриклиари мизни йўллаймиз.

Бу йилги Қурбон ҳайити Ватанимиз мустақиллигининг шонли 30 йиллик тарихий санаси арафасида ўтётганинг унинг бетакор руҳи ва кўрку тароватини янда зиёда этмоқда.

Мустақил юртда буюк мақсадлар билан тинч ва осойишта яшаш, ҳалол меҳнат қилиш мүқаддас динимизнинг эзгу ғояларига ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангандир.

Сўнгига йилларда эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан барча соҳа ва тармоқлар қатори мүқаддас динимиз, миллӣ-диний қадриятларимизни тиклаш, ривожлантириши ва тарғиб этиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Улуғ уламоларимизнинг беназир илмий меросини чуқур ўрганиш, динимизнинг инсонпарварлик руҳи билан ўйғрилган эзгу анъаналарини муносиб давом этиширик максадида мамлакатимизнинг бугунги янги тараққиёт босқичида ислом маънавияти ривожига улган эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотурийдий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ҳадис илми мактаби ва Мир Араб олий мадрасаси каби янги муассасаларнинг ташкил этилгани, ҳадис, қалом, фикҳ ва тасаввuf мактабларига асос солинган, ўнлаб янги масжидлар ва зиёротлоҳлар курилаётгани ҳамда таъмирланётгани бу борадаги ишлар кўлами нечоғли кенг эканидан далолат беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон фуқароларининг қонуний ҳуққува эркинликлари қаторида диний соҳадаги талаб ва эҳтиёклари ҳам тўлиқ таъминланмоқда. Бу ҳақда гапиргандা, якндан янги таҳирдаги “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Муҳтарам ватандошлар!

Барчамизга аёнки, жамиятда тинчлик ва осойишталики мустақиллар қарор топтиришнинг энг мухим таъмилиларидан бири ижтимоуи таълими бу диний бағрикенглиkdir. Юртимизда турли конфесиялар вакиллари ягона оила бўлиб, дўстлик ва ҳамжиҳатлик мухитида яшаётгани, жонажон Ватанимиз равнақига муносиб хисса кўшиб келаётгани бизнинг энг катта бойлиги мизdir.

Маълумки, халқимиз асрлар давомида диний ва дунёйи имларни ўзаро уйғун ривожлантириши борасида ноёб таҳриба мактабни яратган. Бу фикрнинг амални тасдиғини ўзининг бекўсий илмий қашfiётлари, маънавий-маърифий тафаккури билан жаҳон аҳлини ҳайратда қолдириган улуғ олимлар ва уламо-

ларимизнинг бебаҳо мероси мисолида яққол кўриш мумкин.

Бугунги кунда ана шундай нодир маънавий ҳазинани чуқур ўрганиш борасида янада катта имкониятлар олчиомла.

Ишончим комилки, иккى дунё саодатига эришишдек улуг орзу-ниятлар билан яшаштган олижоноб халқимиз униб-усиб келаётгандан ёш авлодни маънавий барқамол этиб тарбиялашда ана шу имкониятлардан самараали фойдаланиб, улкан ютуқларга албатта мушарфа бўлади.

Қадрли ва муҳтарам ватандошларим!

Ҳозирги мураккаб пандемия даврида диний ибодатларни ўй шароитида адо этиш бўйича кўпни кўрган уламоларимиз томонидан билдирилган таклиф, хеч шубҳаси, ҳалқимизнинг ҳаёти ва саломатлигини асрарга қаратилган энг тўғри қарордир.

Ушу улуғ айём кунларда барчамиз Қодир Аллоҳдан бутун инсоният бошидан кечираётгандан бундай оғир синовларни енгиг ўтишда Ўзи мададкор бўлишини сўраймиз.

Сиз, азизларни муборак Қурбон ҳайити билан яна бир бор чин дилдан кутлаб, барчангида Аллоҳ таолодан сиҳат-саломатлик, бахти саодат, оипаларинизга тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака тилайман.

Дугўй қескаларимизнинг эзгу тилаклари ижобат бўлсин!

Ешларимизнинг баҳтини, камолини берсин!

Юртимиз доимо тинч, ҳалқимиз ҳамиша соғ-омон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Матбуот ва омавий ахборот воситалари ходимларига ўзллаган байрам табригиде ўзларининг эзгу тилак ва истакларини билдиришган ҳолда, соҳа өакиллари илгари кузатилмаган турли синов ва қийинчилларга дуч келаётгани, уларни биргаликда бартараф этиш, умуман, соҳа ходимлари олдида турган бир қатор мухим вазифалар хусусида аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Шу муносабат билан куни кечга пойтактимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси “Миллий журналистика: ютуқ ва муаммолар таҳлили” мавзусида наеватдаги матбуот анжууманини ташкил этди.

МИЛЛИЙ ЖУРНАЛИСТИКА: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ

Анжууманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Фарҳод Бокиев ва қатор ОАВ вакиллари иштирок этди.

Дастлаб, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров ўюшма фаoliyatiда олиб борилётгандан ишлар юзасидан маълумот берар экан, сўнгги пайдада аксарият босма нашрларни адади оғзанини ҳақида тўхтатлиб ўтди. Жумладан, июль ойдан бошлаб, сиёсий партиялар нашрлари бўлумиши “ХХI аср” газетаси 35 минг, “Milliy titkalinish” газетаси 25 мингдан ортиқ, “Адолат” газетаси 20 мингдан ортиқ нусхада чоп этилмоқда. “Оила даврасида” газетаси “Оила ва табият” номи билан қайта ташкил этилган ҳолда 20000 нусхада чоп бошлиди.

Шунингдек, ўюшма раиси “Овози тоҷик” газетасининг ҳам адади кўпайғанлиги ҳақида алоҳида тўхтатди. Ҳусусан, жорий йилнинг июль ойидан бошлап, мазкур нашрнинг адади 5 минга етди.

Аммо бугун виляоятида ҳам бу борада аҳвол қониқарсиз бўлири, “Андижоннома” газетаси 1035 нусхада, “Андижанская правда” эса бутунлайдан чотирилмагти. Бундан ташқари, Марҳамат туманининг “Оқ оптиң” газетаси 250 нусхада чоп этилмоқда. “Хонобод” ва “Улугнор” газеталарининг ҳам чоп этилиши тўхтатилган.

Буҳоро виляоятининг боши нашри хисобланган “Бухоронома” газетаси 1012, “Бухарский Вестник” 302 нусхада, “Коғон ҳаёти” газетаси 290, “Галаосиё овози” 300 нусхада...

2-6.

СИЁСАТ

Ха, шу йилнинг 15-16 июль кунлари пойтактимизда бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Тадқидлар ва имкониятлар” ҳалқаро конференцияси кўшини давлатлар билан кўп асрлар ўзаро шинонча ва дўстлик, якнан қўшичилик қадриятларига асосланган ҳамкорлик муносабатларини янада мустақамлаш, қардosh ҳалқлар ўтасида алоҳида юксак қадам бўлди.

Ҳалқаро экспертиларнинг фикрича, Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфисизлик бўйича Самарқанд конференцияси ва Афғонистон бўйича қарама-қарши томонлар ўтасида тинчлик музокараларини бошлаб берган Тошкент анжууманидан сунг минтақавийликни ривожлантириша замин яратган учинчи ҳалқаро тадбирdir.

ҚАДИМИЙ ВА ҲАҚИҚИЙ МИНТАҚАНИНГ ҚАЙТА КАШФ ЭТИЛИШИ

Ҳалқаро анжууманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатмиз раҳбарининг ушбу маъруzasasi нафқат конференция иштирокчилари, балки бутун дунё ҳамжамиятининг диккат марказидан бўлди.

— Бугунги кунда дунё турли тадқидлар, шу билан бирга янги имкониятларни ўзида мужассам этиган глобал геосий ўзғарышлар даврига қадам кўйди. Шундай мураккаб шароитда қарий иккى милиард аҳоли яшайдиган Марказий ва Жанубий Осиё

ўртасидаги ўзаро алоқаларни қайта тиклаш мухим ҳаёти зарурат ва табиий жараёнга айланмоқда, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Олий даррагадаги конференцияда Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Гани, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон, Марказий ва Жанубий Осиё давлатларни ташкил ишлар вазирлари, 44 мамлакат ва ўтига якнан ҳалқаро ташкиллардан делегациялар, нуғузли илмий-тадқиқот ва таҳлил марказлари раҳбарлари иштирок этди.

2-6.

МУБОРАК АМАЛЛАР

МЕҲР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

Бугун улуғ кун. Соадатли кун. Муборак айёмларимиздан бири бўлган Қурбон ҳайитининг илк куни. Ҳалқимизга хос бўлган инсонпарварлик, меҳр-оқибат, саҳоват ва эзгулик айёми.

Улуғ қадриятларимиздан бўлган үшбу байрамда имкони етган, чин дилдан ниҳят қўлган юртдошларимиз Ҷарғанинг ризолиги учун қурбонлик амалини адо этадилар.

Юртимиздан тинчлик-хотир-

жамлик, оиласиздаги қум-барака, файз-у тароват шубҳасиз Яратганинг бекўсий марҳамати, улуг неъматлари туфайлиди.

Барчамизинг чин ихlos ила ато этган амалларимизни Аллоҳ қабул айласин, Қурбон ҳайити байрами кутублуг бўлсун!

Газетамизнинг 3-саҳифасида сиз азиз шушиярларимизни эътиборига қурбонлик амалини хусусида маълум манбадан олинган мақола ҳавола этилмоқда.



3-6.

ИККИНЧИ ФИҚР

“ГАЗЕТАНГИЗГА ОБУНА БЎЛМАЙМИЗ” ёхуд икки ўт орасидаги одамлар

Кейинги вақтларда матбуотда очиқлик ва сўз эркинлиги мавзусида мунозарали мақолалар тез-тез чол этилаётгани қувонарли. Аслида газета очиқлик ва сўз эркинлигига эга бўлгандағани ўзининг асп вазифасини бажаради ва ўқуучисига хизмат қилиб, унинг шиончини оқлай олади.

Бу борадаги қушишларини аксариятида обунанинг адади пастлигию босма нашрларининг “ўлиб” бораётганига соҳада ишлайдиган журналистлар айланмоқда. Юзаки қарасангиз, бу фикрлар ҳақиқатга ўхшайди. Аслида ҳам шундайми?

Вазиятга чукуроқ ёндашадиган бўлсан, яхши ёзи учун, аввало, ўта саводи ва маълакали журналист кадрлар керак. Xush, мамлакатимизда нашр қилинаётган газета ва

журналист — Азиз Сайд ва Клара Бозорова фаoliyati юритган. Клара Бозорова ҳозир нафқада. Азиз Сайд “Шарқ юлдузи”нинг баш мұхаррири ўринбосари. Ёшлар орасида журналистика йўналидаги ўқиётгандар бор. Аммо улар туман газетаси таҳририятида ишлап шахарларда яшашни хоҳлашмайди. Ради ёки телевиденидаги ишлап, шахарларда яшашни мъкул кўришади. Ижодий ходимларимиз сафи ҳамиси ўқитувчи ва маданият ходимлари хисобидан тўлиб келади.

4-6.

ЁД ЭТИБ

МАЪРИФАТ Ж

“ГАЗЕТАНГИЗГА ОБУНА БЎЛМАЙМИЗ”

ёхуд икки ўт орасидаги одамлар

1-6.

Хозир ҳам 3,5 штат ижодий ходим ҳаммамиш ўқитувчи. Лекин газетамиз мавқеи малакали журналистлар ишлайдиган нашрлардан паст эмас.

Қолаверса, ҳар бир газетанинг ўз муассиси бор. Бу газета ижодий ходими муассис раҳбарининг қош-қовогига қараб ишлашга мажбур деганидир. Факат шугина эмас, “махбурий обуна”га қарши оммавий кураш машмашаси бошланғаниндан сўнг, бизга янада қийин бўлди. Қаерга борсангиз “Обуна мажбурийми?”, “Шикоят қиласман” ва ҳоказо шунга ўхшаш гапларни рўячилишиади. Шу баҳона муассислар ҳам ўзини обуна ташвишидан четга олишяти. Ҳолбуки, обуна ташкил этиш муассисимасида эмасми?

Биз обуна билан йил давомида шуғулланимиз. Ҳудудлар ходимларимиз Озода Максудова, Насиба Тўлаева, Баҳодир Эгамов, Рўзигул Жумасевага тақсимлаш берилган. Ундан ташқари, ўзим ҳам мунтазам обуна излайман. Яна жойларда обуна ташкилотчи ва тарқатувчиларимиз бор. Баъзан обуна пулини ундириш учун 30-40 километр масофага бориб келишга тўғри келади.

Ростиши айтсан, ижодий кишиларниң кўпроқ обуна топиш ва обуна пулини ундиришга вақтимиз кетади. Шунинг учун ҳафтасига 5 кун ўрнига бу кун ишлайдиз. Ҳатто баъзан байрам кунларидан ҳам газета билан андармон бўламиз...

Бунинг ишга ҳалал берадиган иккичиҳати бор. Биринчидан, маҳбuriй обуна ташкилоти кураш соясида ихтиёрий обуна ҳам барҳам топлатти. Ахир шундайга ҳам бизлар Европа ҳатто Япония одамларидек мутолаляга мукассидан кетган эмасмиз-ку. Энди оддий одамлар ҳам, зиёлилар ҳам ётпасига газета ўқишини чётта суруб кўйиши. Баҳона эса тайёр: обуна мажбурий эмас! Иккинчиши, бугун бирор ташкилотга бориб обуна бўлишини сўрасангиз (аслида буни улар илтимос сифатида қабул қилишиади), эртага у ташкилот “эшигини қандай қоқасиз”. Аниги одамларни ўқишига қизиқтирадиган мавзуни қандай ёзасиз? Ҳеч иккilanмай юзингизга қараб “Газетангизга обуна бўлмаймиз”, — дейishi аниқ.

Шу ўринда савол туғилади: обуна учун одамларда пул йўқми? Аслида, тўй ва бошқа мәърқалардаги ортича ҳаракатларнинг чек-чегараси йўқ. Спиртли ичимликлар билан савдо кўлувчи дўйонлар, ресторонлар доимо тирибанд. Ҳисоблаб кўргилганим-йўқум, бир одам ишлаб топганининг неча фоизини мавънавиятга, жумладан, газета ва журнал, китоб сотиб олишга сарфлайди?

Яна бир масала, нега истеъмол сават-часига озиқ-овқат қиймати кириллади-ю,

маънавий ҳаражатлар киритилмайди?

Газета журналистининг бир томонидаги муссис, бир томонидаги обуначи. У ҳар иккисига ҳам қарам...

Учинчидан, газета журналисти ҳам одам. Унинг ҳам ейиши, ичиши, кийниши, рўзгори бор.

Обунанинг қасод бўлаётганидан иктиносидай инқирозга учраётган таҳририятларда ижодий ходимлар қанчадан иш ҳаки олишяти? Бу иш ҳаки уларнинг ҳозирлиги бозордаги ҳаракатига қанчалик мос келади? Бу ҳолатдаги одам газетхон кутган қизиқарли мавзуни қаламга олишдан кўра ҳозирлиги кунини ўтказиш имкониятини ахтариши аниқ! Ўзингиз ўйлаб кўринг, оддий

учун фойдали бўларди. Ахир “Бирлашган ўзар” деган хикмат бор-ку.

Хўш, муаммони ечиш учун нима қилиш керак? Кўп ийлилк таҳрибадан келиб чиқиб айтмоқчиманки, аввало, газеталар обуна нархини ҳозирлигидан камида 2-3 барбор арzonлаштириш керак. Қандай қилиб дейдизимиз, газета қозози билан шуғулланичилар ва босмахоналарга, таҳририятга, почтага имтиёзлар бериш ўйли билан. Бошқа имкониятлари ҳам бор, албатт.

Иккинчидан, ҳокимликлар нашрнинг мансублик даражасини ўзартирса бўлмайдими?

Ана шунда туман газеталари журналистлари ўзларини анча енгил ҳис қилиб,

инструктор ва бўлим мудири, “Қизил тонг” (“Қизилтепа тонги”) газетаси мухаррири, Ҳалқ депутатлари туман кенгаша раиси ўрнбосари, 1998 йил 22 марта бўён яна газета мухаррири. Мен газетани 2000 йилда почтадан ажратиб олганман. Обунани ўзимиз қиласман, ўзимиз тарқатамиз, пул тўғридан-тўғри ўзимизнинг ҳисоб рақамимизга тушади.

А-3 форматда 6 саҳифали, ҳафтасига бир марта, ташкил берилган чиқадиган газетамизнинг ўтган йилги обуна нархи 94000 сўм, бу йилгиси 104000 сўм. Бир донаси 2000 сўм. Газета етти минг нусхада жума куни нашрдан чиқади ва шу куннинг ўзида эгаларига етказилади. Таҳририятнинг ҳеч кимдан қарси йўқ. Лекин биздан қарздорлар бор.

Таҳририятимизга ҳар куни 15-20 та хат келади. Ўтган пандемия йилида ҳам 2025 та хат олдик. Бу йилнинг опти ойдада 1000 га яқин хат олдик.

Хатлар музаллифлари мактабларнинг бошлангич синф ўқувчилардан 90-100 ёшли кексаларгача, қишлоқларнинг оддий одамларидан, фандорларигача.

Газетанинг ҳар бир сонида 50-60 та катта-кичик долзарб мавзулар турли жанрларда ёритилади. Айниқса, мамлакатимиздаги испоҳотлар жараёнини, туманимиздаги янгиликларни тезкор ёритишга ҳаракат қиласми. Саломатлик, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик ва ҳукукий мавзуларга оид фойдали маслаҳатлар, сондан-сонга ўтчи мавзулар газетанинг ҳар бир саҳифасини безади, унинг ўқимишли бўлишига хизмат қиласми.

Хуллас, газета унда ишловчи кишиларга эмас, ҳалқнинг ўзига, унинг маънавий салоҳиятини ошириш учун керак. Газеталар таҳририятларида ишлаетган одамлар бе-савод, қобилиятсиз кишилар эмас. Улар салоҳияти, жуда кўп соҳани биладиган, ёзма саводи кучли одамлар. Бу тоифали одамлар ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаётда ўз ўринларини топа оладилар.

Газета чиқишиларининг долзарблиги, унинг ўқимшилигини таъминланади. Бу жуда яхши. Аммо таҳлилий, танқидий ва муаммоли мавзуларнинг оқибатдорлигини таъминланаш ҳам таҳририят зиммасида. Газета чиқишиларига кўпинча раҳбарлар ё номига муносабат билдиришади ёки умуман ётибор беришмайди. Бу муаммо конунчиллик ўйли билан ҳал этилмаса, бирор натика бўлиши даргумон.

Сизлар қандай яшаяпизлар, деган савол туғилиши мумкин.

Мен туман раҳбарида 50 йилдан бўён ишлайман.

Туман партия кўмитасида йўриқчи-

АБИТУРИЕНТ – 2021

ОРЗУИМ – ЖУРНАЛИСТ БЎЛИШ

Яқинда бизни ҳали етти ёшли жажжи ўтил-қизлик чогимиздаёт ис-сиқ бағрига олиб, ўн бир йил даёвомида меҳр ва қаноатла таълим-тарбия берган азиз мактабимиз, қадрдан ўқитувчиларимиз билан хайрлашдик. Мен билан бирга етулил шаходатномасини қўлга олган аксар менгдошларим олий ўқув юртларига ҳужжат топшириши. Чунки XXI аср – юксак интеллекти асри, бу юз ўшилка илм-фандага таянган миллатгина тараққиётининг олдинги марраларига чиқа олади.

Кимдир мұхандис, кимдир шифокор, кимдир иқтисодчи бўлишини дилга тугди, мен эса журналистик касбни эгалашни максад қилдим. Журналистлар халқимиз Ватанимиз ва жаҳонда юз берадётган мұхим воқеа-ходисалардан ҳаққини ва тезкор хабардор этиб, жамият равнагига баракали хисса қўшидилар.

“Биз бўлгуси журналистларимиз чукур билим бирга касб маҳоратини, она тилимиз билан бирга чотириларни, фоат фуқаролик позициясини, ахборот-коммуникация технологияларни, нотицлик мамлакасини пухта эгалашларига алоҳида ётибор қаратишими зарур”, деб таъқидланди давлатимиз раҳбарининг шу йил Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригиди. Бу – мамлакатимизда қалам ахрингин мөхнатини эъзозлаша қаратилётган ётиборнинг амандаги ифодасидир.

Юртимизда ҳеч қачон бўлмаган имкониятлар яратилмоқда. Айниқса, биз ёшлиар учун. Масалан, Ўзбекистонда ҳар бир абитуриентга бештагача олий ўқув юртига ҳужжат топшириш имконияти яратилди. Бу – олий маълумот олиб, етук мутахассис бўлиш истагидаги биздек ёшлиар учун жуда катта куялайлик. Мен ҳам шу имкониятдан фойдаланиб. Ўзбекистон Миллий университети, Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети ҳамда Санъат ва маданият институтларига журналистика ихтисослиги бўйича ҳужжат топширидим.

Ҳозирда ижодий имтиҳон ва тест синовларига тайёргарликни якунига етказмоқдам. Синовлардан юқори балл тўплаб, ушбу олийгоҳлардан бирининг талабаси бўлсам, ўзимни баҳтиёр ҳис етардим. Журналистика касби сирларини пухта эгаллаб, жамиятимиз учун фойдали мутахассис бўлмоқчиман.

Ҳилола ОРТИКОВА,
Тошкент шаҳридаги 261-умумтальим
мактаби битирувчиси.

САНА

“Хорезмская правда” газетаси — 100 ёшда

Бундан бир аср мукаддам, 1921 йилнинг 6 июль санаисида “Хорезмская правда” газетасининг илиги чон қилинган эди. Яқинда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Хоразм вилоят бўлими Раёсати аъзолари газета таҳрири таҳлилий бўлиб, юбилей санаисини нишонлаётган газета ишодорларини самимий кўтлашид.



Хоразм вилояти телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Хоразм!” эрталабки дастури жонли эфирида газета таҳририятни аъзолари межмон булишиб, вилоятнинг 100 йиллик солномаси тарихга муҳрланишида “Хорезмская правда” газетасининг муносаби ўрни борлиги, таҳририятда фаолият кўрсатган журналистлар тўғрисида самимий сухбат-кўрсатув ташкил этилди.

Н.ЭРКАБОЕВ.

31 ТА МФИГА ҲУҚУҚШУНОС АЁЛЛАР БИРИКТИРИЛДИ

Навоий вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан Навоий вилоятида “Хуқуқшунос аёллар кенгаси” фаолиятини бошлади.

Жамоатчилик асосида тузилган Кенгаш таркиби ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орнларда фаолият юртадиган аёллардан иборат бўлиб, унга жамоатчилик валиллари ҳам жалб этилган.

Ҳуқуқшунос аёлларнинг дастлабки учрашуви вилоят адлия бошқармасида ташкил этилиб, унда хотин-қизиларни тазийик ва зравонликдан химоя килиш хамда сайлов қонунчилиги тарғиботига оид масалалар муҳокама килинди.

— Бу вазият Ўзбекистонни ҳам четлап ўтгани йўқ, — дейди Навоий вилоят суди судьяси Гулнағис Худойбердиева. — Ҳусусан, вилоядага оила низолари билан боғлиқ ишларни нуқсадан ажратиши тоифаси бўйича жорий йилнинг олий якуни бўйича 778та фуқаролар ишлари кўриб, мазмунан ҳал килинган.

Этиборлисиз, тадбир давомида, оиласлави ажримлар билан боғлиқ мавжуд ҳоли инобатга олиниб таҳриба сифатида Навоий шаҳридан 31 та МФИГа ҳуқуқшунос аёлларни биринчидан бирор таҳрибадар ижтимои аҳволи оғир, ҳуқуқий ёрдамга мухтож хотин-қизилар билан якка сұхбатлар ташкил этиш орқали уларга ҳуқуқий ва психологияр ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Ҳуқуқшунос аёлларнинг бу каби хайрли ишлари давом этади.

Отабек АСЛОНОВ.



“Агробанк” АТБ жамоаси

Юртдошларимизни муборак

Қурбон ҳайити байрами

билин самимий табриклайди.

Ушбу айём хонадонларингизга файзу барокатлар, энг эзгу тилаклар ва ниятлар ижобатини олиб келсин.

Мустаҳкам соғлик ва омад доимо ҳамроҳ бўлсин!

Реклама ҳуқуқи асосида.



АТБ Ўзсаноатқурилишбанк жамоаси


**халқимизни ва банк
мижозлари хамда барча
хамкорларини
муборак айём —
Курбон ҳайити билан
табриклиайди.**



*Она диёримиз ҳамиша тинч, фаровон, осмонимиз мусафро бўлсин.
Барча юртдошларимизга муборак байрам шафоати доимо ёр бўлишини тилайди!*

Реклама ҳукуқи асосида.

Навоий шаҳридаги “ТИНЧЛИК” компанияси жамоаси




*азиз юртдошларимизни эзгулик ва меҳр-оқибат,
саҳоват ва яхшилик айёми — ҚУРБОН ҲАЙИТИ
билан самимий муборакбод этади.*

*Улуғ қадриятларимиздан бири бўлган Қурбон ҳайити яхшилик, поклик, шоду
хуррамлик айёмидир.*

*Халқимизнинг эзгу ният ва орзу-интилишларини қўллаб-кузватлашни
мужассам этган муборак айём барчамиз учун ниҳоятда қадрлидир.*

*Курбон ҳайити ҳар бир инсон қалбини эзгулик нурлари
билан муナвар этсин!*

*Шу азиз ва жонажон Ватанимизга кўз тегмасин! Янги Ўзбекистон қуришдек
эзгу мақсад билан давом этаётган хайрли ишларимизнинг баракасини берсин.*



Байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Реклама ҳукуқи асосида.

ШЕРІЯТ

Юрагимни очдим ўзингга

ҚАДИМ МАКОНИМ

Мехрибоним йўқ сендан яқин,
Юрагимни очдим ўзингга.
Қайдо юрмай ота юрт хокин,
Үтиб, мудом суртдим кўзимга.

Ота юртим — қадим маконим,
Қиёсингга ташебхелар ожис.
Сен борлигим, жоним-жасоним,
Сен мен учун баридан азиз.

Сиймонг худди донишманд отам,
Мехринг мушифик онамниң кўзи.
Тўрик экан юрт билан одам,
Ватан билан ўзлиги, ўзи.

Бағрингдаман, шундан бағрим бут,
Бағриндаман, менга толе ёр.
Менинг учун ягона шу юрт,
Шу юрт менга мұқаддас диёр.

Юкинаман, ўзингга юртим,
Турпогингни кўзимга суртгум.

ЙЎЛДА

Қадди дол чол борар аста имилаб,
Чалинмас қўлоққа оёқ төвуш.
Кўзлари ёргудан кетар жисмирлаб,
Сиргалар гоҳида йирипк қовуши.

Хар түгул йиқилмас, қўлдаги асо
Асрар қолар уни сунячи бўлиб.
Бепарво ўтишар қадлари расо
Ёшлар атрофидан ой каби тўлиб.

Азобдан қакшаган вужудда ларzon,
Ўзича чамалаб санар ёшини.
Умринг вақт олдида нақадар арzon,
Кечак олишарди кериб тўшини.

Чукур-чукур олиб кифтидан дамни,
Кетиб борар, намдан киприклари ҳўл.

Елкадан иргитиб минглаб одамни,
Давом этар ўзи, бу тугамас йўл...

АНОР ГУЛИ

Куба боғларида гуллари аниор,
Бўй етсан қизларнинг ёногидай ол.
Гуллари гулхандай ловуллаб ёнар,
Ёдимга тушади қошлари ҳилол.

Боғлар зеболаниб олар алвон тус,
Холбуки, саратон — жазирама ёз.
Бамисли оловда тўраган қақнус,
Хаётимга келди ногоҳ шу қиёс.

Анор гули чўғдай чўғланиб боқар,
Баргарла оҳиста чулганиб боқар,
Жўндай тишар менинг ёдим тўзгитиб
Оғрикли хотирлар қайта ўт ёқар...

Анорнинг гуллари лоларанг, ё раб,
Мевасин бағри қон, қирмизий гулоб.

НОРИ ҲИЖРОН

Нори ҳижрон бағрим ёмон кўйидирди,
Бепарво ёр, қоши камон кўйидирди.

Пари чехра, карашмали-шевали,
Васлу дийдор менга армон, кўйидирди.

Дашту сахро ўғай доим булбулга,
Андалибман, ҳажри чаман кўйидирди.

Бу ёлғон жаҳоннинг ташвиши ёлғон,
Десам, тагин жоҳиг замон кўйидирди.

Беморманам, сендан дарак йўқ ҳануз,
Хазон янгелиг рангим сомон, кўйидирди.

Офтобга юкинсам, ялинсам ойга,
Кўлларим етмади, осмон кўйидирди.

Эвоҳ, умид қилсан бамисли анқо,
Номи бор, ўзи йўқ имкон кўйидирди.

Тасалли-таскиндан безиб кетди жон,
Жонимга жонажон жонон кўйидирди.

Сир сенга қўл токи ичингда ниҳон,
Шоир қалбини дард пинҳон кўйидирди.

КИСМАТ

Дараҳт танасида соңсиз жароҳат,
Бешумор оғрикли тиллар айланар.
Чандиқлари унинг минг ҳасрат, минг дод,
Танасига беун сингиб жойланар.

Кекса дараҳт кияр яшил тўнини,
Чандиқ-яраларин панараб кўздан.
АЗобларнинг талааб қимлас хунини,
Чопган болталаарнинг соти ўзидан.

Ойдин тунлар эртак айтмайди қамар,
Кушлар ҳам тарк этган унинг шохини.
У Вакътнинг бағрида безабон бемор,
Ичга ютиб яшар ҳасрат оҳини.
Шўрлик кимга айтсан тўйқ гуноҳини.

Кари дараҳт ёлғиз яшайди ҳануз,
Ағфус, ёзининг орти муқаррардир куз...

ҚЎРИНДИ

Кушлар навосидан шод-масурур юрсам,
Дараҳтлар шоҳида зоглар кўринди.

Хаётимни жамлаб қўзгуга боқсам,
Кўзларим тубида оҳлар кўринди.

Йўлларим равон деб шитоб юурсам,
Оёғим остида чохлар кўринди.

Муаллиф ҳақида:

Очил ТОҲИР — Муборак туманида туғилган.
Тошдӯ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаған. Шоирнинг “Қарз”, “Согинч соҳили”, “Кўнглим билан сухбат”, “Шаклсиз олам”, “Вақт ушоқлари” шеърий тўпламлари, шунингдек, болаларга атаплан “Мактабнок мушук”, “Ғолиб хўрор” (достон), “Ҳарфлар жамланмаси”, “Санай турдабадашма” ва “Одобли бола” китоблари нашр этилган. Шоир шеърлари турк ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинган.
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



Очил ТОҲИР

Дунёда бағри бут кўпдайин эди,
Хўрсинди, кўкайи додлар кўринди.

Минг тиллук ошнамни танимай қолдим,
Кўзидида нур эмас, ёслар кўринди.

Зоҳирн фаршишта каслар кўксидиа,
Қон-қора қурум гуноҳлар кўринди.

Хафсалам пир бўлиб кетаётсан ўйлда,
Хар түгул, дилкуши боғлар кўринди.

ҲАЁТ ОНА ЯНГЛИФ ЭРКАЛАМАС

Ҳаёт она янглиг эркаламас, йўқ,
Қарамайди кўнгил танитилигинга.
Ҳар лаҳзаси синон, ҳар лаҳзаси ўқ,
Не шии бор, кимга интиқлигинга.

Руҳият олами ботинда пинҳон,
Наинки тан, кўнгил тамом бегона.
Сиртидан, шаклидан ўхшашибир инсон,
Бедард қалблар атар сени девона.

Сигмайсан, бағрингда ўлар нола -зор,
Машираб кечинмаси руҳингга эга.
Осериниб бир сўзни айтасан тақрор,
Замон шоирини тушунмас нега?!

ҚУТЛОВ

QISHLOQ QURILISHBANK

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”
жамоаси барча юртдошларимизни
ҚУРБОН ҲАЙИТИ
билин муборакбод этади.

“Қишлоқ қурилиш банк” —
фаровон ҳаётингиз хизматида!

www.qqb.uz 78 150 00 55 1254

Реклама ҳуқуқи асосида.

ҚУТЛОВ

Азиз юртдошларимизни
ҚУРБОН ҲАЙИТИ
байрами билан чин кўнгилдан
самимий табриклаймиз.
Дастурхонларингизга тўкинилик,
файз-барака тилаймиз!

Жиззах вилоятидаги
“Дўстлик дон маҳсулотлари”
АЖ жамоаси

DOSTLIK DON
MAXSULOTLARI

